

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

217 Ўзбекистон Республикасида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) шартлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қоидаларини амалга ошириш ҳамда товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)ни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимига қўйиш қоидалари 1-иловага мувофиқ;

Товарлар ва транспорт воситаларини юк божхона декларацияси расмийлаштирмасдан вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) қоидалари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, қўйидаги товарлар вақтинчалик четдан олиб келинмайди (четга олиб чиқилмайди):

Ўзбекистон Республикасига четдан олиб келиш ва Ўзбекистон Республикасидан четга олиб чиқиш тақиқланган товарлар;

чиқиндилар;

электр энергияси, сув, қувурлар орқали етказиб бериладиган товарлар (нефть, газ), шунингдек ёқилғи;

четдан олиб келиниши (четга олиб чиқилиши) квоталанадиган товарлар;

сарфланадиган материаллар ва сарфланадиган намуналар, хом ашё, ярим тайёр маҳсулотлар;

бир марта қўллаш учун мўлжалланган товарлар;

Ўзбекистон Республикасининг жисмоний ва юридик шахслари томонидан четдан олиб келинадиган автотранспорт воситалари, халқаро юк ташувларини амалга ошириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ четдан олиб келишда (четга олиб чиқишда) алоҳида рухсатномалар олиш талаб қилинадиган товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишда) фақат бундай рухсатномалар мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар ва транспорт воситаларини четдан вақтинчалик олиб келиш шартлари

тўғрисида» 2004 йил 17 августдаги 399-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 85-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 13 апрель,
106-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 13 апрелдаги 106-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик
четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона
режимига қўйиш
ҚОИДАЛАРИ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимида товарлар ва транспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик четдан олиб келиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинчалик четга олиб чиқиш шартларини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги мазмундаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

а) **давлат божхона хизматининг ҳудудий органлари** — Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва «Тошкент-АЭРО» ихтисослаштирилган божхона комплекси;

б) **товарга нисбатан ваколатли шахс** — товарлар ва транспорт воситаларининг мулкдори, уларнинг эгаси ёхуд қонун ҳужжатларига мувофиқ товарлар билан вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни етарлича содир этиш учун иш кўрувчи шахс;

в) **вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимининг амал қилишини тўхтатиб туриш** — вақтинчалик чет-

дан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимининг амал қилишини муайян даврда тўхтатиб туриш, шундан кейин ушбу божхона режимининг амал қилиши тикланади;

г) **вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режими амал қилишининг тугаши** — вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режими амал қилишининг тиклаш имкониятисиз узил-кесил тугаши.

3. Вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режими қўйилган товарлар ва транспорт воситалари ўзгаришсиз ҳолатда қайтарилиши керак, транспортда ташиш, сақлаш ва фойдаланишнинг нормал шарт-шароитларида табиий эскириш ёхуд камайиш оқибатидаги ўзгаришлар бундан мустасно.

4. Вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) товарлар ва транспорт воситалари уларни аксинча олиб чиқиб кетишда (олиб киришда) давлат божхона хизмати органлари томонидан идентификация қилиниши ва товарга нисбатан ваколатли ва божхона режими шартларига риоя этиш учун жавобгарликни ўз зиммасига оладиган шахс Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органларида рўйхатдан ўтказилиши (аккредитация қилиниши) шарти билан йўл қўйилади.

5. Товарга нисбатан ваколатли шахсга вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) рухсатнома бундай вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг мақсадлари ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда давлат божхона хизматининг ҳудудий органи томонидан берилади.

Вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) рухсатнома олиш учун товарга нисбатан ваколатли шахс ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) рухсатноманинг сўралаётган муддатини кўрсатган ҳолда ариза беради.

Аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

а) товарни етказиб бериш ёки бериш тўғрисидаги контракт (шартнома, битим) нусхаси (ижара шартномаси, лизинг, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида товарлар вақтинча четдан олиб келинган (четга олиб чиқилган) ҳолларда);

б) транспорт ҳужжатлари ва товарга илова қилинган ҳужжатлар нусхалари;

в) ваколатли органларнинг рухсатномалари (агар товар конун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши керак бўлса).

Ариза беш иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Масала ижобий ҳал этилган тақдирда ариза берувчига ушбу Қоидаларга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича товарни вақтинчалик четдан олиб киришга (четга олиб чиқишга) рухсатнома берилади.

6. Товарларни вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) муддатларини узайтириш учун шахс ушбу Қоидаларга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг чекланган муддати тугашидан олдин ўттиз кундан кечикмай давлат божхона хизмати орган-

ларига ариза билан мурожаат қилади. Аризага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

товарни етказиб бериш ёки бериш тўғрисидаги контракт (шартнома, битим) нусхаси (ижара шартномаси, лизинг, кафолатли хизмат кўрсатиш ва инвестиция лойиҳаси доирасида товарлар вақтинча четдан олиб келинган (четга олиб чиқилган) ҳолларда;

юк божхона декларацияси нусхаси;

ваколатли органларнинг рухсатномалари (агар товар қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши керак бўлса);

божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси (агар қонун ҳужжатларида божхона тўловлари тўлаш назарда тутилган бўлса);

ваколатли банк томонидан бериладиган (товарларни ижара шартномаси (лизинг ва шу кабилар) бўйича вақтинчалик четга олиб чиқишда) ижара шартномаси (лизинг ва шу кабилар) доирасида валюта маблағлари тушганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси, товарлар ва хизматларнинг экспорт контрактлари бўйича кафолат муддати мобайнида хизмат кўрсатиш ва нуқсонларни бартараф этиш учун товарларни вақтинчалик четга олиб чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

7. Қуйидагилар:

ариза берувчи томонидан зарур тарзда расмийлаштирилмаган ҳужжатлар тақдим этилиши;

ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки бузилган маълумотларнинг мавжудлиги;

ушбу Қоидаларнинг 16 ва 34-бандларида кўрсатилган шартларнинг бажарилмаслиги;

шахс томонидан олдин вақтинчалик четдан олиб келинган (четга олиб чиқилган) товарлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаслиги вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) ва унинг амал қилиш муддатини узайтиришга рухсатнома бериш рад этилиши учун асос ҳисобланади.

Бошқа асослар бўйича, шу жумладан рухсатнома бериш мақсадга мувофиқ эмаслиги мотивлари бўйича вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) рухсатнома беришнинг рад этилишига йўл қўйилмайди.

8. Давлат божхона хизмати органларига ариза берилиши вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) муддатларини тўхтатиб қўймайди ва тўхтатиб турмайди.

9. Товарларни вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимига қўйишнинг белгиланган муддати юк божхона декларациясида кўрсатилади.

10. Товарларни вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимига қўйишда юк божхона декларацияси ушбу Қоидаларга 3-иловага мувофиқ тўлдирилади.

11. Вақтинчалик четдан олиб келинадиган (четга олиб чиқиладиган) товарларнинг божхона идентификацияси тамғалар, муҳрлар босиш, рақамли, ҳарфли белгилар ва бошқа маркировкалаш, идентификациялаш белгила-

ри қўйиш, штамплар босиш, проба ва намуналар олиш, товарлар ва транспорт воситаларини таснифлаш, чизмалар тузиш, кўламли тасвирлар, фотосуратлар ва иллюстрациялар тайёрлаш, товарга илова қилинадиган ҳужжатлардан ва бошқа ҳужжатлардан, шунингдек идентификациялашнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш йўли билан таъминланади.

12. Идентификация воситалари фақат Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органи томонидан ёки унинг рухсати билан ўзгартирилиши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши мумкин, товарлар ва транспорт воситаларининг қайтарилмайдиган ҳолда йўқотилиши ёки жиддий равишда бузилишининг реал хавфи мавжуд бўлган ҳоллар бундан мустасно. Идентификациялашни амалга оширувчи давлат божхона хизмати органига идентификациялаш воситалари ўзгариши, олиб ташланиши ёки йўқ қилиниши тўғрисида дарҳол хабар қилинади ва кўрсатиб ўтилган хавф мавжудлигининг исботи тақдим этилади.

13. Ушбу Қоидаларга мувофиқ расмийлаштирилган юк божхона декларацияси шахснинг вақтинчалик четдан олиб келинган (четга олиб чиқилган) товарни қайтариб олиб чиқиш (олиб келиш) тўғрисидаги мажбурияти ҳисобланади.

14. Вақтинчалик четдан олиб келинган (четга олиб чиқилган) товарлардан вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) давлат божхона хизмати органларининг рухсатномасини олган шахс фойдаланиши мумкин.

15. Товарлар вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимига қўйилиши мумкин бўлган муддат давлат божхона хизмати-нинг ҳудудий органи томонидан бундай четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг мақсадлари ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади ва узайтирилади, бироқ товарларнинг божхона режимда бўлишининг умумий муддати икки йилдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Ушбу Қоидаларга 4-иловада кўрсатилган товарлар учун вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг кўпроқ муддатлари белгиланиши мумкин.

II. Товарларни вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимига қўйиш шартлари

16. Қўйидагилар товарларни вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимига қўйишнинг шартлари ҳисобланади:

товарларга белгиланган тартибга мувофиқ декларация тўлдириш;

ушбу товарларни идентификациялаш имкониятини таъминлаш;

божхона тўловлари тўлашни таъминлаш (агар қонун ҳужжатларида божхона тўловлари тўлаш назарда тутилган бўлса);

агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши керак бўлса, уларнинг рухсатномаларини тақдим этиш.

17. Вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома олган шахс вақтинчалик четдан олиб келиш муддати тамом бўлгунга қадар вақтинчалик чет-

дан олиб келинган товарларнинг қайтариб олиб кетилишини ёки вақтинча четдан олиб келиш муддати узайтирилишига рухсатнома олишни ёхуд вақтинчалик четдан олиб келинган товарларни бошқа божхона режимларига қўйишни таъминлайди. Ушбу талабларга риоя этилмаган тақдирда товар «вақтинчалик сақлаш» божхона режимда божхона омборига жойлаштирилади.

18. Вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома олган шахснинг илтимосига кўра вақтинчалик четдан олиб келинган товарларни «вақтинчалик сақлаш» ва «божхона омбори» божхона режимларига қўйишда вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимининг амал қилиши ушбу божхона режимларига божхонада расмийлаштирилган кундан бошлаб тўхтатиб турилади.

Вақтинчалик четдан олиб келишнинг божхона режими амал қилиши тўхтатиб турилиши даврида даврий божхона тўловлари ҳисоблаб ёзилмайди ва тўланмайди.

19. Вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугайди:

вақтинча четдан олиб келинган товарлар олиб чиқилганда ёки улар бошқа божхона режимларига қўйилганда, «вақтинча сақлаш» ва «божхона омбори» божхона режимлари бундан мустасно;

конун ҳужжатларига мувофиқ вақтинчалик четдан олиб келинган товарларга арест белгиланганда ёки улар олиб қўйилган ва давлат даромадига ўтказилганда (арест бекор қилинган ва олиб қўйилган вақтинчалик четдан олиб келинган товарлар қайтарилган ҳоллар бундан мустасно). Арест бекор қилинган ва олиб қўйилган четдан олиб келинган товарлар қайтарилган ҳолларда, вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома олган шахс божхонада расмийлаштиришни амалга оширувчи давлат божхона хизмати органига арест бекор қилинганлиги тўғрисида маълум қилиши ва товарларнинг бундан кейин тегишли божхона режимига божхонада расмийлаштирилишини таъминлаши керак;

товар авария ёки енгиб бўлмайдиган куч таъсири оқибатида йўқ қилинган ёки қайтариб бўлмайдиган тарзда йўқотилган ҳолларда, бу тегишли ваколатли давлат органи томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак;

вақтинчалик четдан олиб келинган товарлар йўқотилганда ва ташкилотнинг тугатилиши ёки шахснинг вафот этганлиги муносабати билан вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома олган шахсни аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаганда вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режими амал қилишини тугаллаш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижа бермаган ҳолларда.

Ушбу банднинг тўртинчи ва бешинчи хатбошиларида кўрсатилган ҳолларда вақтинчалик четдан олиб келинган товарларни назорат қилиш давлат божхона хизматининг ҳудудий органи хулосаси асосида тугалланади.

III. Даврий божхона тўловларини вақтинчалик четдан олиб келинган товарларга қўллаш тартиби

20. Товарларни вақтинча четдан олиб келишда улар вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимда расмийлаштирилган пайтдан бошлаб

божхона божлари ва солиқлар тўлашдан қисман озод этиш қўлланилади, ушбу Қоидаларнинг 32-бандида кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно. Божхона божлари ва солиқларни тўлашдан қисман озод қилишда даврий божхона тўловлари ундирилади.

21. Даврий божхона тўловлари:

товарларнинг вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимида турган ҳар бир тўлиқ ва нотўлиқ календарь ой учун божхона божлари ва солиқлар суммасининг 5 фоизи миқдорида хорижий валютада ҳисоблаб ёзилади, улар ушбу товарлар божхона режимида турганда уларнинг вақтинчалик четдан олиб келиш режимида божхонада расмийлаштириш кунида эркин муомала учун чиқаришнинг (импорт) божхона режимига қўйилганда тўлаши мумкин;

миллий валютада — сўмда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан уларни тўлаш кунида белгиланган курс бўйича тўланади;

белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ўтказилади.

Даврий божхона тўловлари товарлар вақтинчалик четдан олиб келишнинг божхона режимига қўйилганда вақтинчалик четдан олиб келишнинг бутун даври учун тўлиқ ёки четдан олиб келишга рухсатнома олган шахснинг танлаши бўйича даврий тўланади. Кўрсатиб ўтилган тўловларни даврий тўлаш четдан олиб келишга рухсатнома олган шахс томонидан, давлат божхона хизмати органининг тўлов тартиби тўғрисидаги билдиришномаси билан белгиланади. Даврий божхона тўловларини тўлаш тегишли давр бошлангунгача амалга оширилиши керак.

Даврий божхона тўловлари тўланган даврдан олдинги ойнинг охиригача иш куни даврий божхона тўловлари тўлашнинг навбатдаги давр учун чекланган муддати ҳисобланади.

22. Даврий божхона тўловларининг тўланган суммалари:

вақтинча четдан олиб келинган товарлар четга олиб чиқилган ёхуд улар бошқа божхона режимларига қўйилган тақдирда қайтарилмайди;

ушбу товарлар эркин муомала учун чиқаришнинг (импорт) божхона режимига қўйилганда тўланиши керак бўлган божхона тўловлари суммасига ҳисобланади.

23. Вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома олган шахс даврий божхона тўловларини тўлаш учун жавоб беради.

24. Вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома берган давлат божхона хизматининг ҳудудий органи даврий божхона тўловлари суммасининг амалда тушишини назорат қилади.

25. Божхона тўловларини тўлаш бўйича муддатни кечиктириш ва бўлиб-бўлиб тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексига тартибга солинади.

26. Товарлар божхона божлари, солиқлар тўлашдан озод этиш шаклида божхона имтиёзларидан фойдаланиладиган шахслар томонидан вақтинча четдан олиб келинган тақдирда уларни тўловдан озод қилиш бундай имтиёзларнинг амал қилиш даврида қўлланилади.

27. Вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимига қўйилган товарлар учун даврий божхона тўловлари тўланганлигини тасдиқлаш мақсадида давлат божхона хизматининг ҳудудий органларига даврий божхона тўлови тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат (тўлов топшириқномаси ёки божхона тўловлари муддатини кечиктиришга, бўлиб-бўлиб тўлашга рухсатнома) тақдим этилиши керак.

28. Вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимига қўйилган товарлар ва транспорт воситаларига даврий божхона тўловлари тушумини ҳисобга олиш ушбу Қоидаларга 5-иловага мувофиқ шакл бўйича давлат божхона хизматининг ҳудудий органларида шахсий карточкалар очиш йўли билан амалга оширилади.

29. Шахсий карточкаларда тушган даврий божхона тўловлари акс эттирилади.

30. Товарлар эркин муомала учун чиқарилганда (импорт) ва тўланиши керак бўлган барча даврий божхона тўловлари тўланганда вақтинчалик четдан олиб келиш божхона режимини тугаллашда товарларни эркин муомала учун чиқаришнинг (импорт) божхона режимига қўйиш учун юк божхона декларацияси расмийлаштирилади.

31. Божхона тўловлари вақтинчалик четдан олиб келишнинг божхона режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси асосида ундирилади. Юк божхона декларациясини эркин муомала учун чиқаришнинг (импорт) божхона режимига расмийлаштиришда фақат божхона йиғимлари ундирилади.

IV. Вақтинчалик четдан олиб келинадиган товарлар ва транспорт воситаларини божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш шартлари

32. Қўйидагилар вақтинчалик четдан олиб келинган ҳолларда божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилинади:

а) хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун мўлжалланган, шунингдек ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик агентлари ҳамда маъмурий-техник ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган уларнинг оила аъзолари томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган товарлар.

Автотранспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келишга:

ушбу кичик банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган ваколатхоналар учун, — бир ходимга 1 (бир) автотранспорт воситаси ҳисобидан;

ушбу кичик банднинг биринчи хатбошида кўрсатилган жисмоний шахсларнинг шахсий фойдаланилиши учун, — ваколатхонанинг бир ходимига ва унинг оила аъзосининг вояга етган аъзосига 1 (бир) автотранспорт воситаси ҳисобидан йўл қўйилади, бироқ оилага 2 (икки) автотранспорт воситасидан ортиқ эмас.

Автотранспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келишга миқдорий чеклашлар Ўзбекистон Республикасининг эришилган аҳдлашувларидан келиб чиқиб, шунингдек тенглик шартларида ёки инсонпарварлик лойиҳаларини ва техник кўмаклашиш лойиҳаларини амалга ошириш учун ўзгартирилиши мумкин. Миқдорий чекловни ўзгартириш тўғрисидаги қарор, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилган ҳолда, аккредитация бўйича ваколатли органнинг биринчи раҳбари томонидан қабул қилинади;

б) хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган мухбирлари ва мухбирлик пунктларининг ўз эҳтиёжлари учун четдан олиб келинадиган автотранспорт воситалари.

Автотранспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келишга хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситалари ҳар бир аккредитация қилинган мухбири ва мухбирлик пункти ходимига 1 (бир) автотранспорт воситаси ҳисобидан йўл қўйилади;

в) уларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида божхона бождари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш назарда тутилган товарлар;

г) кўرғазмалар, ярмаркалар, халқаро учрашувларда ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда намойиш қилишга мўлжалланган товарлар (четдан олиб келинган товарларни сотиш мақсадида ўтказиладиган ишлаб чиқариш фаолияти ёки бошқа тижорат фаолияти амалга ошириладиган жойлардаги кўрғазмалардан ташқари), шунингдек ушбу тадбирларда фойдаланиш учун мўлжалланган ёрдамчи асбоб-ускуналар ва материаллар;

д) фақат мана шундай типдаги товарларга буюртмалар олиш мақсадлари учун мўлжалланган ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун яроқсиз бўлган товарларнинг намуналари, бу уларга рақамли, ҳарfli ва бошқа маркировкалаш, ёриқлар, тешиқлар ўйиш ёки бошқа усул билан шикаст етказиш йўли билан таъминланади, ҳар бир тип, марка, модель, артикуль, фасон, бўяш ва ҳоказоларнинг товар намуналари икки нусхасидан ортиқ бўлмайди;

е) хорижий шахслар томонидан олиб келинадиган реклама материаллари (каталоглар, прејскурантлар ва тижорат проспектлари, моделлар, плакатлар, планшетлар, рисолалар) — агар ҳар бир олувчи учун ушбу материаллар 2 нусхадан ортиқ олиб келинмаса ёхуд уларнинг умумий брутто оғирлиги 50 килограммдан ортиқ бўлмаса;

ж) реклама фильмлари, шунингдек товарларнинг хоссалари ёки вази­фасини очиб берувчи реклама учун мўлжалланган компьютерда ташиладиган ахборот — агар ушбу фильмлар ва ахборот ташувчилар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, хорижий шахс томонидан таклиф этилаётган хорижий товарларга тегишли бўлса, фақат товарларнинг эҳтимол тутилган сотиб олувчиларига кўрсатиш учун мўлжалланган бўлса, бир нусхада олиб келинса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса;

з) синовлар, текширишлар, экспериментлар ўтказиш ҳамда хоссалари ва тавсифларини кўрсатиш учун мўлжалланган товарлар — агар улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаган тақдирда;

и) касб асбоб-ускуналари (саноат ишлаб чиқариши, товарларни ўраш ёки табиат ресурсларидан фойдаланиш, ер ишларини бажариш, бинолар, иморатлар, иншоотлар қуриш ва таъмирлаш ҳамда шунга ўхшаш ишларни бажариш учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналардан ташқари) ва инструментлар (шу жумладан ёрдамчи аппаратлар ва анжомлар) — агар вақтинча четдан олиб келинган касб асбоб-ускуналари ва инструментлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, улар томонидан олиб келинса ва уларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқ ишни бажариш учун зарур бўлса;

й) ишлаб чиқариш кооперацияси доирасида четдан олиб келинадиган чизмалар, режалар, моделлар, штамплар, матрицалар, клишелар, босма шакллар ва шунга ўхшаш бошқа буюмлар, назорат-ўлчаш асбоблари ва инструментлар — агар кўрсатиб ўтилган товарлардан асосан экспортга мўлжалланган товарларни ишлаб чиқариш муносабати билан фойдаланилса, хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, бироқ Ўзбекистон Республикасининг юридик ёки жисмоний шахси томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса;

к) маданият ва кинематография соҳаларида илмий-тадқиқот, таълим мақсадлари учун фойдаланиладиган асбоб-ускуналар (шу жумладан реставрация асбоб-ускуналари) ва материаллар, вақтинча четдан олиб келинган асбоб-ускуналар ва материалларни, анжомларни таъмирлашга мўлжалланган эҳтиёт қисмлар, шунингдек бундай асбоб-ускуналар ва материалларни созлаш, назорат қилиш ва таъмирлаш учун мўлжалланган инструментлар — агар вақтинча четдан олиб келинган асбоб-ускуналар, материаллар, эҳтиёт қисмлар, анжомлар ва инструментлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса;

л) кинога олиш, томошалар, спектакллар ва шунга ўхшаш тадбирларни ўтказиш учун мўлжалланган, маданият муассасалари, кинематография ташкилотларига вақтинча фойдаланиш учун текин бериладиган театр (цирк, кино) костюмлари, сахна асбоб-ускуналари, партитура, мусиқа асбоблари ва бошқа театр (цирк) реквизитлари;

м) кино ва видеофильмлар, слайдлар, фотосуратлар, плакатлар, кино ва видеофильмларнинг монтаж ва мулоқотли саҳифалари ҳамда фото ва кинотанловларда, кинофестивалларда, киноҳафталикларида ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларда намоёиш қилиш учун тасвир ёзилган бошқа ахборот ташувчилар — агар бундай товарлардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса;

н) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида спорт мусобақалари, кўرғазмали спорт тадбирлари ёки машқлар ўтказиш учун мўлжалланган товарлар — агар бундай товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва уларнинг вазифасига мувофиқ миқдорда олиб келинса;

о) курорт иши ва туризм бўйича таништириш материаллари — агар вақтинча четдан олиб келинган материаллар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва уларнинг вазифасига мувофиқ миқдорда олиб келинса;

п) маданият бойликлари (санъат асарлари, коллекциялаш ва антиквариат буюмлари бўлган товарлар, шунингдек олиб чиқиб кетилиши ва олиб

келиниши Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган бошқа товарлар), — агар бундай товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса;

р) таълим, фан ва маданият билан боғлиқ бўлган китоблар, даврий нашрлар, материаллар ва ҳужжатлар (шу жумладан уларнинг босма усулдан бошқа усулда кўпайтирилганлари), — агар бундай товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса;

с) Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ва (ёки) ўқ-дорилар ва атом энергетикасини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва утилизация қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга оширадиган, атом энергиясидан фойдаланишнинг давлат бошқарувини амалга оширадиган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонуларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган ҳолларда ушбу соҳада ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари фаолиятини мувофиқлаштирадиган бошқа ваколатли органнинг сабаблари кўрсатилган тақдимномаси бўйича вақтинча фойдаланиш учун давлат органлари ва давлат муассасаларига текин бериладиган, хорижий шахс томонидан олиб келинадиган табиий ва техноген хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун мўлжалланган товарлар, шу жумладан транспорт воситалари, — агар вақтинча четдан олиб келинган товарлар ва транспорт воситалари хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, шу жумладан:

транспорт воситалари билан бирга олиб келинадиган ёнилғи-мойлаш материаллари, сув, ишлаб чиқарувчи томонидан назарда тутилган конструктив идишлардаги бошқа суюқликлар, эҳтиёт қисмлар, кўрсатиб ўтилган транспорт воситаларининг одатдаги анжомлари ва аслаҳалари, шу жумладан юклар, контейнерлар ва бошқа транспорт асбоб-ускунасини юклаш, тушириш, ишлов бериш ва ҳимоя қилиш учун махсус асбоб-ускуна, агар бундай транспорт воситалари хорижий давлат ҳудудида рўйхатдан ўтказилган бўлса, хорижий шахс томонидан олиб кирилса;

товарларни транспортда ташиш, ер қазиш ишлари, бинолар, иморатлар ва иншоотларни қуриш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш ва шунга ўхшаш ишларни бажариш учун мўлжалланган асбоб-ускуналар ва инструментлар, шу жумладан ёрдамчи аппаратлар, агрегатлар, эҳтиёт қисмлар ва анжомлар;

т) қутқариш, даволаш муассасаларига ҳамда бошқа тиббиёт муассасалари ва ташкилотларига вақтинча фойдаланиш учун текин бериладиган қутқариш, тиббиёт ва лаборатория асбоб-ускунаси — агар вақтинча четдан олиб келинган асбоб-ускуна ушбу муассасалар ва ташкилотлар томонидан муруват, қутқарув, ташхис қўйиш ёки даволаш мақсадларида фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва уни етказиб бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра амалга оширилса;

у) хорижий ҳаво кемалари экипажларининг ижтимоий-маиший ҳаёт шароитларини таъминлаш ва уларнинг маданият, таълим, дам олиш, дин ва спорт соҳасидаги эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган товарлар —

агар вақтинча четдан олиб келинган товарлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса ва улардан фойдаланиш даромад олиш мақсадини кўзламаса;

ф) профессионал кинематография асбоб-ускунаси, матбуот, радио ёки телевидение жиҳози, кўрсатиб ўтилган асбоб-ускуналарга ёрдамчи қурилмалар ва анжомлар — агар вақтинчалик четдан олиб келинган профессионал асбоб-ускуналар, қурилмалар ва анжомлар хорижий шахснинг мулки бўлиб қолса, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аниқ ишни бажариш учун зарур бўлса;

х) боқиш, ўргатиш, урчитиш, ветеринария йўли билан даволаш, синовлар ўтказиш, туристик тадбирлар, гуманитар ва қутқариш операциялари, махсус функцияларни амалга ошириш (милиция отлари ва итлари, изловчи кучуклар, кўзи ожизларни етаклаб юрадиган кучуклар ва бошқалар), кўргазмалар, танловлар, мусобақалар, намойишлар, спектакллар, томошалар ва шунга ўхшаш даромад олиш билан боғлиқ бўлмаган тадбирларда иштирок этиш учун, шунингдек тиббиёт мақсадларида ва чегара ҳудудида фойдаланиш учун мўлжалланган иш моллари сифатида (тегишли жиҳозлар билан биргаликда) хорижий шахснинг мулки бўлиб қоладиган ҳайвонлар.

33. Ушбу Қоидаларнинг 32-банди «г» — «х» кичик бандларида кўрсатилган товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга бир йилгача бўлган муддатда божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод этилган ҳолда рухсат берилади. Ушбу муддат тугагандан кейин кўрсатиб ўтилган товарларга вақтинчалик четдан олиб келишнинг бундан кейинги муддатига даврий божхона тўловлари қўлланилади.

V. Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четга олиб чиқишнинг божхона режимида қўйиш шартлари

34. Қуйидагилар товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четга олиб чиқишнинг божхона режимида қўйиш шартлари ҳисобланади: товарларга белгиланган тартибга мувофиқ декларация тўлдириш; ушбу товарларнинг идентификация қилиниши имкониятини таъминлаш; агар товар ваколатли органлар томонидан назорат қилиниши керак бўлса, ушбу органларнинг рухсатномаларини тақдим этиш.

35. Вақтинчалик четга олиб чиқишга рухсатнома олган шахс вақтинчалик четга олиб чиқиш муддати тугагунга қадар вақтинчалик четга олиб чиқилган товарлар қайтариб олиб келинишини ёки вақтинчалик четга олиб чиқиш муддати узайтирилишига рухсатнома олинишини ёхуд вақтинчалик четга олиб чиқилган товарлар бошқа божхона режимларига қўйилишини таъминлаши керак.

36. Вақтинчалик четга олиб чиқиш божхона режимининг амал қилиши: вақтинчалик четга олиб чиқилган товарлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига қайтариб олиб келинганда ёки улар бошқа божхона режимларига қўйилганда;

агар вақтинчалик четга олиб чиқилган товар авария ёки бошқа енгиб бўлмайдиган куч оқибатида йўқ қилинган ёки қайтарилмас тарзда йўқотил-

ган, ёхуд хорижий давлатнинг органлари ёки мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида эгалик қилишдан чиққан ҳолларда тугайди. Бунда авария ёки енгиб бўлмас куч амал қилиши, табиий эскириш ёки транспортда ташиш ва сақлашнинг нормал шароитларида камайиш туфайли камомадлар оқибатида, ёхуд хорижий давлатнинг органлари ёки мансабдор шахсларининг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари бўйича ноқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида вақтинчалик четга олиб чиқилган товар йўқ қилинган ёки қайтарилмас тарзда йўқотилган ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ёки консуллик муассалари томонидан тасдиқланиши керак.

37. Давлат божхона хизмати органининг рухсати билан вақтинчалик четга олиб чиқилган товарларни қайтариб олиб келмасдан бошқа шахсга беришга ва экспортнинг божхона режимида расмийлаштиришга йўл қўйилади.

VI. Яқунловчи қоидалар

38. Давлат божхона хизмати органлари республикага вақтинчалик четдан олиб келинган ва республикадан вақтинчалик четга олиб чиқилган товарлар ҳисобини юритади.

39. Ушбу Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Товарлар ва транспорт воситаларини
вақтинчалик четдан олиб келиш
(четга олиб чиқиш) божхона режимида
қўйиш қоидаларига
1-ИЛОВА

Вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)га рухсатнома олиш учун АРИЗА

1. _____
(товарга нисбатан ваколатли шахснинг исми ёки номи ва манзили)

2. _____
(товар эгасининг исми ёки номи ва манзили)

3. Товарнинг тавсифи:

а) вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товарнинг савдо ва/ёки техник тавсифи (тавсиф унинг фойдаланилиши (қўлланилиши) тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўлиши учун аниқ ва муфассал бўлиши керак);

б) ТИФ ТН бўйича таснифи (товарнинг 10 та белгили коди кўрсатилади);

в) товарнинг бирликлардаги миқдори (кг, литр, метр ва шу қабилар);

г) товарнинг мавжуд ахборотга ва илова қилинадиган ҳужжатларга мувофиқ қиймати.

4. _____
(товарни вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг мақсади ёки ҳолати)

5. Товарнинг ишлатилиши

(вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товардан
фойдаланишнинг мумкин бўлган барча турлари кўрсатилади)

6. Товардан фойдаланиладиган жой

(вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товардан
фойдаланиладиган жойларнинг манзиллари кўрсатилади)

7. Товарлар ушбу режимда турадиган вақт даври

(фойдаланилиши учун зарур бўлган муддат кўрсатилади)

8. Идентификациялашнинг тавсия этилаётган усули

(вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товарни
идентификациялашнинг энг қулай усуллари кўрсатилади)

9. Қўшимча ахборот

(ариза берувчининг фикрига кўра давлат божхона хизмати органлари учун қизиқиш
туғдириши мумкин бўлган ахборот кўрсатилади)

10. Товарни вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) муддатини узайтириш учун вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)-нинг белгиланган муддати ўтгунгача бир ойдан кечикмай давлат божхона хизмати органига мурожаат қилишим кераклиги менга маълум.

(товарга нисбатан ваколатли шахснинг исми, фамилияси, отасининг исми ва имзоси)

(сана)

Изоҳ: аризадаги товарлар номи кўп бўлган тақдирда улар алоҳида спецификацияда кўрсатилиши мумкин.

Товарлар ва транспорт воситаларини
вақтинчалик четдан олиб келиш (четга
олиб чиқиш) божхона режимига
қўйиш қоидаларига
2-ИЛОВА

**Вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)га
РУХСАТНОМА**

1. _____
(товарга нисбатан ваколатли шахснинг исми ёки номи ва манзили)

2. _____
(товар эгасининг исми ёки номи ва манзили)

3. Товарнинг тавсифи:

а) вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товарнинг савдо ва/ёки тех-
ник тавсифи (тавсиф унинг фойдаланилиши (қўлланилиши) тўғрисида қарор қабул қилиш мумкин бўли-
ши учун аниқ ва муфассал бўлиши керак);

б) ТИФ ТН бўйича таснифи (товарнинг 10 та белгили коди кўрсатилади);

в) товарнинг бирликлардаги миқдори (кг, литр, метр ва шу кабилар);

г) товарнинг мавжуд ахборотга ва илова қилинадиган хужжатларга мувофиқ қиймати.

4. Товарнинг ишлатилиши

(вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товардан
фойдаланишнинг мумкин бўлган барча турлари кўрсатилади)

5. Товардан фойдаланиладиган жойлар

(вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товардан
фойдаланиладиган жойларнинг манзиллари кўрсатилади)

6. Рухсатноманинг амал қилиш муддати

(товарни вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) муддати кўрсатилади)

7. Идентификациялаш усули

(вақтинчалик четдан олиб келинаётган (четга олиб чиқилаётган) товарни
идентификациялашнинг танланган усули кўрсатилади)

(давлат божхона хизмати органи бошлиғининг фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси)

(сана)

Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимига қўйиш қоидаларига
З-ИЛОВА

**Товарларни вақтинчалик четдан олиб келиш
(четга олиб чиқиш) божхона режимига қўйишда
юк божхона декларациясини тўлдириш
ТАРТИБИ**

Вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) режимида юк божхона декларациясини расмийлаштиришда декларация устунлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тўлдирилади. Бунда 1, 9, 28, 36, 44, 47 ва С-устунларини тўлдириш қўйидаги хусусиятларга эга:

1-устун. «Декларация типи»

Устуннинг биринчи кичик бўлимида:

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан олиб чиқиладиган товарларга нисбатан «ЭК» кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келинадиган товарларга нисбатан — «ИМ» кўрсатилади.

Иккинчи кичик бўлимда божхона режимининг икки белгили коди — «31» кўрсатилади.

9-устун. «Молиявий тартибга солиш учун масъул шахс»

Устунда юк божхона декларациясини тўлдириш бўйича Йўриқномада назарда тутилган тартибда товарларни кўчирувчи (товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга (четга олиб чиқишга) рухсатнома олган) шахс тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

28-устун. «Молиявий маълумотлар ва банк маълумотлари»

Устунда (реквизитларнинг ҳар бирини янги сатрдан бошлаб ва уларнинг ҳар бири олдида тартиб рақами қўйиб):

1 — сўмларда ҳисоб-китоб счёти рақами, КТУТ коди ва 9-устунда кўрсатилган шахснинг ҳисоб-китоб счёти очилган банкнинг қисқача номи кўрсатилади;

2 — хорижий валютадаги счёт рақами, КТУТ коди ва 9-устунда кўрсатилган шахснинг ҳисоб-китоб счёти очилган банкнинг қисқача номи кўрсатилади.

Хорижий фирмаларнинг (ташкilotларнинг) ваколатхоналарида молия-

вий маълумотлар ва банк маълумотлари мавжуд бўлмаган тақдирда устун тўлдирилмайди.

36-устун. «Преференциялар»

Божхона тўловларини тўлашдан қисман озод этилган тақдирда устунда тегишли позицияларда «0» қўйилади.

Вақтинчалик четдан олиб келинган (четга олиб чиқилган) товарлар қайтариб четдан олиб келинганда (четга олиб чиқилганди) устун тўлдирилмайди.

Божхона тўловлари тўлашдан тўлиқ озод этилганда устун юк божхона декларациясини тўлдириш бўйича Йўриқномага мувофиқ тўлдирилади.

44-устун. «Қўшимча маълумотлар / тақдим этиладиган ҳужжатлар»

Ижарага олинган товарлар вақтинчалик четдан олиб келинганда (четга олиб чиқилганда) 3 рақамида юк божхона декларациясида ижара шартномаси тўғрисидаги маълумотлар (рақами, тузилган санаси ва амал қилиш муддати) кўрсатилади.

8 рақамида вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг божхона режимига қўйиладиган товарлар қайтариб четга олиб кетилиши (четдан олиб келиниши) ёхуд бошқа божхона режимига ўтказилиши керак бўлган муддат қуйидаги шаклда кўрсатилади:

8 — «201__» «__» «_____» гача «Товарларни қайтариб четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) ёхуд бошқа божхона режимига ўтказиш мажбуриятини оламан».

47-устун. «Божхона божлари ва йиғимларни ҳисоблаб чиқиш»

Божхона божлари ва солиқлар суммасини ҳисоблаб чиқишда «ТУ» (тўлов усули) устунининг бешинчи кичик устунда устунни тўлдиришда ҳарфли код «ШХЁ» — шартли ҳисоблаб ёзиш — божхона тўловларининг шартли ҳисоблаб ёзилиши қўйилади.

С-устуни

Устунда:

4-бандда — вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) муддатлари узайтирилганда юк божхона декларациясининг 1 ва 5-нусхаларида «201__» «__» «_____» даги __-сон рухсатнома асосида «Муддат «201__» «__» «_____» гача узайтирилган» ёзуви қайд этилади.

**Юк божхона декларациясининг орқа томонини
тўлдириш намунаси**

Юк божхона декларациясининг орқа томонида қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

1. Шартли ҳисоблаб ёзилган божхона божлари ва солиқлар суммаси _____ АҚШ доллари.
2. Даврий божхона тўлови миқдори _____ АҚШ доллари.
3. Даврий божхона тўловини тўлаш муддати «201__» «__» «_____»гача.
4. Тўлов «201__» «__» «_____»дан «201__» «__» «_____»гача бўлган давр учун амалга оширилди.
курс бўйича _____ АҚШ доллари _____ сўм суммага «201__» «_____»даги _____-сон тўлов топшириғи.

Давлат божхона хизмати органи мансабдор шахсининг Ф.И.О., имзоси, шахсий рақамли муҳр.

Товарлар ва транспорт воситаларини
вақтинчалик четдан олиб келиш (четга
олиб чиқиш) божхона режимига
қўйиш қоидаларига
4-ИЛОВА

**Вақтинчалик четдан олиб келиш ва вақтинчалик
четга олиб чиқишнинг улар учун кўпроқ муддатлари
белгиланиши мумкин бўлган товарлар
РЎЙХАТИ**

**I. Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг мулки
бўлган вақтинчалик четдан олиб келишнинг улар учун кўпроқ
муддатлари белгиланиши мумкин бўлган товарлар рўйхати**

1. Хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нормал фаолият кўрсатишини таъминлаш учун ушбу ваколатхоналарнинг дипломатик агентлари ҳамда маъмурий-техник ходимлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган уларнинг оила аъзолари томонидан шахсий фойдаланиш учун олиб келинадиган товарлар, шунингдек хорижий давлатлар оммавий ахборот воситаларининг аккредитация қилинган мухбирлари ва мухбирлик пунктларининг ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган автотранспорт воситалари.

Бундай товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари томонидан юқорида кўрсатиб ўтилган ваколатхоналар ва шахсларнинг аккредитация муддатига берилади

хамда уларнинг аккредитациясини узайтириш муддатларидан келиб чиқиб узайтирилади.

Вақтинчалик четдан олиб келинган товарларни назорат қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатлар дипломатик ва консуллик ваколатхоналарининг ҳамда уларга тенглаштирилган ваколатхоналарнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги фаолияти тўхтатилганлиги тўғрисида Давлат божхона қўмитасини ўз вақтида хабардор қилади.

2. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан хорижий давлатларнинг юридик шахслари ўртасидаги ижара шартномалари асосида вақтинчалик четдан олиб келинадиган темир йўл транспорти воситалари, шунингдек уларга эҳтиёт қисмлар ва уларга хизмат кўрсатиш учун транспорт асбоб-ускунаси. Вақтинчалик четдан олиб келиш муддати ижара шартномаси муддатларидан келиб чиқиб белгиланади.

3. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан хорижий давлатларнинг юридик шахслари ўртасидаги ижара шартномалари асосида вақтинчалик четдан олиб келинадиган ҳаво транспорти воситалари, шунингдек уларга эҳтиёт қисмлар ва уларга хизмат кўрсатиш учун транспорт асбоб-ускунаси. Вақтинчалик четдан олиб келиш муддати ижара шартномаси муддатларидан келиб чиқиб белгиланади.

4. Лизинг шартномалари асосида четдан олиб келинадиган товарлар.

Бундай товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга лизинг шартномасининг амал қилиш муддатига рухсат берилади.

5. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудига четдан олиб келинадиган товарлар. Вақтинчалик четдан олиб келиш муддати халқаро шартноманинг амал қилиш муддатидан келиб чиқиб белгиланади.

6. Маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимлар ва геология-разведка ишларини олиб бориш тўғрисидаги битимлар асосида четдан олиб келинадиган товарлар.

Бундай товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга ушбу битимларнинг амал қилиш муддатига рухсат берилади.

7. Даврий божхона тўловлари улар учун тўлиқ тўланган товарлар.

Вақтинчалик четдан олиб келиш муддатини узайтиришга рухсатнома Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 16-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг норезидентларида товарларга бўлган мулк ҳуқуқи қолдирилган ва товарга нисбатан ваколатли шахснинг товарни вақтинчалик четдан олиб келишнинг божхона режимида қолдириш тўғрисидаги аризаси мавжуд бўлган тақдирда берилади.

8. Имтиёзларнинг амал қилиш муддати тамом бўлиши ёки мулк ҳуқуқи бошқа шахсларга ўтиши муносабати билан улар бўйича вақтинчалик четдан олиб келишнинг бундан кейинги муддатига даврий божхона тўловлари тўлаш зарурияти пайдо бўладиган товарлар.

9. Инвестиция лойиҳалари асосида четдан олиб келинадиган товарлар.

Бундай товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга инвестиция даври муддатига йўл қўйилади.

10. Товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатишга импорт контрактлар бўйича кафолат муддати мобайнида хизмат кўрсатиш ва нуқсонларни бартараф этиш учун четдан олиб келинадиган товарлар (Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудида қолдириш учун мўлжалланган товарлар бундан мустасно).

Бундай товарларни вақтинчалик четдан олиб келишга кафолатли давр муддатига йўл қўйилади.

II. Ўзбекистон Республикаси резидентларининг мулки бўлган, улар учун вақтинча четга олиб чиқишнинг кўпроқ муддатлари белгиланиши мумкин бўлган товарлар рўйхати

11. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасаларининг хорижий давлатлар ҳудудидаги объектларида фойдаланиш учун олиб чиқилган товарлар. Вақтинча четга олиб чиқиш муддатини узайтириш кўрсатиб ўтилган товарлар мавжудлиги тасдиқланган ҳолларда амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан хорижий давлатларнинг юридик шахслари ўртасидаги ижара шартномалари асосида вақтинчалик четга олиб чиқилган темир йўл транспорти воситалари, шунингдек уларга эҳтиёт қисмлар ва уларга хизмат кўрсатиш учун транспорт асбоб-ускунаси. Вақтинчалик четга олиб чиқиш муддати ижара шартномаси муддатларидан келиб чиқиб белгиланади.

13. Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари билан хорижий давлатларнинг юридик шахслари ўртасидаги ижара шартномалари асосида вақтинчалик четга олиб чиқилган ҳаво транспорти воситалари, шунингдек уларга эҳтиёт қисмлар ва уларга хизмат кўрсатиш учун транспорт асбоб-ускунаси. Вақтинчалик четга олиб чиқиш муддати ижара шартномаси муддатларидан келиб чиқиб белгиланади.

14. Лизинг шартномалари асосида четга олиб чиқилган товарлар.

Бундай товарларни вақтинчалик четга олиб чиқишга лизинг шартномаси амал қилиш муддатига рухсат берилади.

15. Товарлар ва хизматларнинг экспорт контрактлари бўйича кафолат муддати мобайнида хизмат кўрсатиш ва нуқсонларни бартараф этиш учун четга олиб чиқилган товарлар (Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарида қолдириш учун мўлжалланган товарлар бундан мустасно).

Бундай товарларни вақтинчалик четга олиб чиқишга кафолатли даврнинг амал қилиши муддатига йўл қўйилади.

Товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш) божхона режимида қўйиш қоидаларига
5-ИЛОВА

16 (568)-сон

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар ва транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келиш режимида даврий божхона тўловлари тўлашни ҳисобга олишнинг _____-сон Ш А Х С И Й К А Р Т О Ч К А С И

_____ (товарга нисбатан ваколатли шахснинг номи)

_____ (манзили, телефони)

Юк божхона декларациясининг тартиб рақами _____

**Даврий божхона тўловларини тўлаш
ЖАДВАЛИ**

Т/р	Даврий божхона тўловларини тўлаш муддати	Хорижий валютада тўланиши керак бўлган даврий божхона тўловлари суммаси миқдори	Даврий божхона тўловларини тўлаш кунда ЎЗР МБ томонидан белгиланган валюта курси	Миллий валютада тўланадиган даврий божхона тўловлари суммаси миқдори	Тўлов топшириқномаси / кириш касса ордери		Давлат божхона хизмати органи мансабдор шахсининг имзоси ва рақамли шахсий муҳри
					рақам	сана	

_____ (товарга нисбатан ваколатли шахснинг Ф.И.О., имзоси)

_____ (сана)

— 31 —

217-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 13 апрелдаги 106-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Товарлар ва транспорт воситаларини юк божхона
декларацияси расмийлаштирмасдан вақтинчалик четдан
олиб келиш (четга олиб чиқиш)
ҚОИДАЛАРИ**

Ушбу Қоидалар товарлар ва транспорт воситаларини юк божхона декларацияси расмийлаштирмасдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик четдан олиб келиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинчалик четга олиб чиқиш шартларини белгилайди.

**I. Товарлар ва транспорт воситаларини юк божхона
декларацияси расмийлаштирмасдан вақтинчалик четдан
олиб келиш (четга олиб чиқиш) қоидалари ва уларга
нисбатан божхона тўловларини қўллаш**

1. Қуйидаги товарлар юк божхона декларацияси расмийлаштирмасдан ва божхона тўловлари тўламасдан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига вақтинчалик четдан олиб келинади ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан вақтинчалик четга олиб чиқилади:

а) қиймати белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан ошмайдиган товарлар. Кўрсатиб ўтилган товарлар Т-6 шаклидаги декларация ва товарга илова қилинган ҳужжатлар асосида ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;

б) шахсий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган хорижий фуқаролар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлмаган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан олиб келинган товарлар.

Ушбу кичик банднинг биринчи хатбошига мувофиқ автотранспорт воситалари вақтинчалик четдан олиб келинган тақдирда божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилиш бир йил мобайнида уч ойгача бўлган муддатга берилади.

Кўрсатилган муддат тугагач автотранспорт воситалари қайтариб олиб чиқиб кетилмаган тақдирда уларга нисбатан вақтинчалик четдан олиб келишнинг бундан кейинги муддати учун даврий божхона тўловлари қўлланади, бунда автотранспорт воситасини вақтинчалик четдан олиб келган шахснинг ёки вақтинчалик четдан олиб келиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахснинг номига юк божхона декларацияси расмийлаштирилади.

Қайтариб олиб чиқиб кетиш таъминланмаганда ёки кўрсатиб ўтилган даврда автотранспорт воситасининг тегишли божхона режими расмийлаштирилганда қайтариб олиб чиқиб кетишнинг муддати ўтган ҳар бир куни

учун двигатель хажмининг ҳар куб. сантиметри учун 0,01 АҚШ доллари микдорида йиғим ундирилади;

в) транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-га ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан йўловчилар ва юкларни халқаро ташувларда фойдаланиладиган контейнерлар, поддонлар ва кўп марталаб фойдаланиладиган идишлар ва упаковкларнинг бошқа турлари.

Кўрсатилган транспорт воситалари хорижий давлатда рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Кўрсатилган транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб фойдаланиладиган идишлар ва упаковкларни вақтинчалик олиб келишга транспорт операцияларини амалга ошириш муддатига, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга божхона божлари ва солиқлардан тўлиқ озод қилган ҳолда рухсат этилади.

Вақтинчалик четдан олиб келиш муддати тугагач, кўрсатилган товарлар Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан ташқарига олиб чиқилиши ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигига мувофиқ тегишли божхона режимига жойлаштирилиши керак;

г) шахсий эҳтиёжларни қондириш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаш жойига эга бўлган фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан четга олиб чиқиладиган товарлар.

Ушбу кичик банднинг биринчи хатбошига мувофиқ автотранспорт воситалари вақтинчалик четга олиб чиқилган тақдирда вақтинчалик четга олиб чиқишга бир йил мобайнида уч ойгача бўлган муддатга рухсат берилади.

Кўрсатилган муддат тугагач автотранспорт воситаси қайтариб олиб келинмаган тақдирда унга қонун ҳужжатларига мувофиқ юк божхона декларацияси расмийлаштирилади.

Қайтариб олиб келиш ёки автотранспорт воситасининг тегишли божхона режимини расмийлаштириш таъминланмаганда кўрсатиб ўтилган давр учун қайтариб олиб келишнинг муддати ўтган ҳар бир куни учун двигатель хажмининг ҳар куб. сантиметри учун 0,01 АҚШ доллари микдорида йиғим ундирилади;

д) вақтинчалик четга олиб чиқиладиган транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек йўловчилар ва юкларни халқаро ташувларда фойдаланиладиган контейнерлар, поддонлар ва кўп марталаб фойдаланиладиган идишлар ва упаковкларнинг бошқа турлари. Кўрсатилган транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган бўлиши керак.

Кўрсатилган транспорт воситалари, уларга эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, кўп марталаб фойдаланиладиган идишлар ва упаковкларни вақтинчалик четга олиб чиқишга транспорт операцияларини амалга ошириш муддатига, лекин уч ойдан кўп бўлмаган муддатга рухсат берилади.

Вақтинчалик четга олиб чиқиш муддати тугагач, кўрсатилган товарлар

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб келиниши ёки Ўзбекистон Республикасининг божхона қонунчилигига мувофиқ божхона режимига қўйилиши керак;

е) йўловчилар ва юкларни халқаро темир йўл транспортида ташишда фойдаланиладиган темир йўл транспорт воситалари.

2. Божхона постида назорат ва ҳисобга олишни амалга ошириш учун «б», «в», «г» ва «д» кичик бандларда кўрсатилган транспорт воситаларини вақтинчалик четдан олиб келишда (четга олиб чиқишда) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта четга олиб чиқиш (четдан олиб кириш) тўғрисида мажбурият расмийлаштирилади. Қайта четга олиб чиқиш (четдан олиб келиш) мажбуриятида, шунингдек транспорт воситаларига эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар ва транспорт асбоб-ускуналари, контейнерлар, поддонлар ва кўп марталаб фойдаланиладиган идишлар ва упаковкларнинг бошқа турлари тўғрисидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади.

II. Яқунловчи қоидалар

3. Давлат божхона органлари вақтинчалик четдан олиб келиш (четга олиб чиқиш)нинг божхона режимига қўйишни расмийлаштирадиган республикага вақтинчалик четдан олиб келинган ва республикадан вақтинчалик четга олиб чиқилган товарлар ва транспорт воситаларининг ҳисобини юритадилар.

4. Ушбу Қоидаларнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.